

INDEKS 1072



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-NAZARIY, METODIK JURNALI



2021-2

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

2.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY’ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior, fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 2(164)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

тадан туғилганини яққол кўришимиз мумкин. Шундан кейин у буткул ўзгариб, эски одатларини ташлайди, ҳалолликни бош мақсад, ҳаётнинг маъно-мазмуни қилиб белгилайди. Бу гўзал хулқи билан ҳаммага ўрнак бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топади.

Бу асар ҳақиқий маънода кишилар юрагида самимийликни жо қилиб, инсонлардан қабихликни ҳайдайдиган роман ҳисобланади. Агар асар матни билан таниш китобхон дастлабки ҳолатиданоқ адиб, аслида, ўзи нима демоқчи эканлигини ёзувчи томонидан берилган муқаддимадаги ишорадан сезса, асарнинг бошиданок олис қишлоқ ва ундаги кўчанинг номига ўқувчи эътиборини қаратади ва кўчанинг номи ҳам, ҳатто қулоққа ёмон эшитилишини алоҳида таъкидлайди “Дор кўча, ниму учун бундай ном берилган шуни Гул кўча деб аташса, нима бўларди” деб дастлабки фикр баёнини бериб ўтади.¹ Бу тарзда асарнинг бошланишиданок, ўқувчи ва муаллиф ўртасида ўзига хос узвий боғланиш пайдо бўлганлигини кўрамиз. Ҳар қандай хроникали асар сюжетида экспозиция биринчи ўринга ўтади ва китобхон ва воқелик ўртасида боғловчи вазифани белигилаб кўрсатади.

Асарнинг энг таъсирли нукталари, жумладан, ота ва бола ўртасидаги энг охириги нукта – бу уларнинг отаси томонидан олиб келинган ароқни ота ва бола талашиб қоладилар, доимо уйига ароқ олиб келса, бир ёки икки қадах ичишга ҳам улгура олмай, қоляпкан отанинг миясига “ўзининг назарида оқилона фикр” келади. Йўлда шишани яримни ичиб олиб, ярмини уйга олиб келади, шунда ғазабдан кўзлари ола-кула бўлган ўғли Тумай – Сурур бейга: “Шишани ярмининг ичиб қўйдингми қари кўппак, деб ўшқира бошлайди”.²

Бундан ғазабланган ота жуда оғир аҳволга тушиб қолади. Хотининг ялиниб-ёлворишлари, ичкиликни ташла имонга қайт, деб зорланишлари ҳам бекор кетади. Ўзига хос тарбиявий асосга эга бўлган ушбу китобни мутолаа қилган ҳар бир китобхон ўзига тегишли хулосалар чиқариши, табиий. Шу ўринда ўзбек адабиётининг донишманд шоирларидан бири бўлган Максуд Шайхзоданинг ажойиб бир фикрларини келтириб ўтиш мумкин “товушлар бутун оламдан, сувдан, ойдан, қишдан, кўклардан, диёрлардан, азиз ўлкадан, хуш келгайлар, шоир дилига”, деб таъкидлайди.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир ёзувчи ўз асарларини эзгу ният билан китобхонлар кўнглига жой топишини хоҳлайди. Аҳмад Лутфий Қозончи ҳам шу каби шоирлар сирасига киради ва буни уддасидан чиқиб, ҳар бир китобсевар мухлисларини кўнглидан мустаҳкам жой олган ёзувчи ҳисобланади. Ҳозирги кунгача минглаб нусхаларда чоп этилаётган адибнинг асарлари ўзбек китобхонлари қўлидан тушмай мутолаа қилиб келинмоқда. Ёзувчининг маҳорати бир томонда бўлса, иккинчи томондан, жамият учун керакли ибратли ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлаётган бу жанрдаги асарлар кўпчиликнинг диққат марказидадир.

Шу ўринда Аҳмад Лутфий Қозончининг ушбу асари ўзбек кутубхонларига моҳир таржимон Роҳила Рўзмонова таржимасида ва машур адабиётшунос олим профессор Абдуғафур Расулов томонидан ёзилган сўз боши билан 2006 йилда тақдим этилган. Динимиз ва маданиятимиз муштарак бўлган турк ва ўзбек адабиётида бундай салмоқли асарлар кўплаб топилса-да, ўзбек китобхонлари ёзувчи Аҳмад Лутфий Қозончидан ўрнак ва ҳаммамиз учун идрок мактабини ўтайдиган, мазмун-моҳиятли ажойиб асарлар кутиб қолади.

**Ачилова Рисолат Аъзамовна (БухДУ катта ўқитувчиси; risolat_lola@mail.ru)
ҒАРБ АДАБИЁТИДАГИ АЙРИМ АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация. *Ushbu maqolada ayrim antonomaziyalarning asarlarda qo'llanilishi haqida misollar keltirilgan. Ularning o'tmishda va hozirgi kundagi turlari va semantik xususiyatlari haqida fikrlar bayon etilgan.*

Аннотация. *В статье приведены примеры использования некоторых случаев антономазии в произведениях. Анализируются их прошлые и настоящие типы и семантические особенности.*

Annotation. *The article provides examples of the use of antonomasias in works. Opinions about their past and present types and semantic features are described.*

Kalit so'zlar: *Otello, antonomaziya, metonimiya, madaniyat, stilistika, tadqiqotlar, she'riyat, qahramonlar, roman.*

¹ Шу манба.

² Аҳмад Лутфий Қозончи. Бир виждон уйғонур. Тошкент, “Истиқлол”, 2006.

Ключевые слова: *Отелло, антономазия, метонимия, культура, стилистика, исследование, поэзия, герои, роман.*

Keywords: *Othello, antonomasia, metonymy, culture, stylistics, research, poetry, heroes, novel.*

Йигирманчи асрда илмий фикрнинг ривожланиши тадқиқотларни сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди ва кўплаб илмий ишларда бу яққол ўз ифодасини топди. Тилда инсон омилига мурожаат қилиш замонавий тилшуносликда пайдо бўлган энг муҳим услубий силжиш бўлди, бу тилни инсон, унинг онги, маънавий ва амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганишни ўз ичига олади. Бу эса янги лингвистик парадигма тил ҳодисаларини таҳлил қилишда экстралингвистик омилдан юқори даражада фойдаланишга имкон беради.

Ҳозирги кунгача мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлган антономазия тушунчаси фақат услубий восита сифатида тавсифлаш учун қўлланган бўлиб, анъанавий равишда антономазия ушбу номнинг асл моҳиятига эга бўлган объектни белгилаш учун унга метафора сифатида қаралди (масалан, рашкчи киши ўрнида Отелло образи номини келтириб ўтиш). Шу муносабат билан, антономазияни одамнинг характери фаолиятининг жараёни ва натижаси сифатида кенгроқ маънода кўриб чиқиш ўта муҳимдир. Бундай нуқтаи назар нутқ ва тил жараёнларида антономазия ҳодисасини чуқур ўрганишга имкон беради.

Оддий қилиб айтганда, антономия – бу бирон-бир кишига ёки бирон-бир нарсага тегишли ном ёки ном беришнинг риторик усули. Масалан, *Маҳатма Ганди* деган номни эшитганимиз, онгимизга таъсир қиладиган биринчи нарса бу «Халқнинг отаси» деган мажозий маъносидир.

Антономазия фойдаланиш вақтига қараб биров фарқ қилиши мумкин. Илгари даврларда антономазия жамият аъзоларини белгилаш учун ишлатилган, чунки, кўпинча, одамларнинг исмлари уларнинг касблари билан боғлиқ бўлган. Алишер Навоийнинг “Хамса” асаридаги “Фарҳод ва Ширин” достони номлари халқ ўртасида ёки бошқа асарларда ҳам чин муҳаббат рамзи сифатида тилга олинган. Қадимги даврларда антономазия кучли жангчиларга ижобий номлар ёки заиф, ярамас одамларга нисбатан салбий номлар бериш учун ишлатилган. Масалан, инглиз адаби Шекспирнинг асаридаги “Отелло” ўта рашкчи инсонни билдирган ёки шу асардаги “Яго” исми ёвуз инсон тимсолида тавсиф берилган.

Антономазияларни тарихий жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) биринчиси, ўтмишда шаклланган ва қўлланган антономазилар. Бунга мисол сифатида Отелло (рашкчи), Яго (ёвуз), Аристотел (файласуф), Ҳотамтой (сахий) кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

2) иккинчиси эса ҳозирги кунда вужудга келган ҳамда қўлланилаётган антономазиялар: ўргимчак одам (жасур), тарзан (ёввойи).

Бадиий асарларда антономазиялар нутқни яна-да жозибадор бўлиши учун қўлланилади. Рус тили стилистикаси бўйича илмий асарлар муаллифи И.Б.Голуб антономазия ҳодисасини атрофлича ўрганган. Тадқиқотчи антономазия атамасидан метонимиянинг махсус тури сифатида фойдаланади.¹Муаллифнинг таъкидлашича, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қадимги мифологиядан келиб чиққан антономазия шеърятда катта қўлланила бошланган. У антономазия бу ҳам инсон, ҳам мавҳум тушунча номи бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан, ҳозирда нутқда ҳам, тилда ҳам машинани тез ҳайдашни ёқтирадиганларга нисбатан *Шумахер* номи қўлланилади. Рус тилида аёлларга яхши муносабатда бўлган эркакларни “Дон Жуан” номи билан аташ кўп кузатилади. Ёки рус тилидаги *Лавилас* сўзини олайлик. Бу номнинг келиб чиқиши тарихий исмларга бориб тақалади. Яъни *Лавилас* – бу XVIII аср инглиз ёзувчиси Сэмюэл Ричардсоннинг “Кларисса” асаридаги Роберт Лавласнинг бузуқ фамилияси. Дон Жуан эса Дон Хуан номининг бузилиши асосида юзага келган. Ушбу номга хос белги Европанинг янги замон адабиётида такомиллаштирилди. Мазкур ном Тирсо де Молина, Молиер, Т.А.Гоффман, Байрон, П.Мериме ва бошқаларнинг бадиий асарларида муҳаббат мавзуси билан машҳур бўлган инсоннинг исми, яъни Дон Жуан номи билан жамоавий тарзда муқимлаштирилди. Антономазия метонимиянинг бир тури бўлиб, ҳақиқий исм ёки исмнинг ўрнини, объектнинг муҳим хусусиятини англатадиган ёки унинг бошқа нарсага алоқадорлигини кўрсатадиган сўз ёки ибораларни англатади. Антономазия, шунингдек, хусусий исмнинг умумий исм сифатида ишлатилишида ҳам намоён бўлади.

¹ Арутюнян М.А. Структура, семантика и прагматика стилистического приема антономазии на материалах немецкого языка. Автореф. дис. ...канд. филол. наук, М., 2010.

Шеърятда антономазия қадим даврлардан бошлаб мунтазам равишда қўлланиб келган. Мазкур кўчим тури қадимги юнон шеърларида, ундаги илоҳий иборалар, худолар ёки таниқли қаҳрамонлар номлари учун ишлатилган бўлиб, ушбу манбалар троп ишлатилган биринчи шеърӣ асарлардан бири ҳисобланади. Милоддан аввалги III асрда яшаган юнон шоири Феокрит ушбу усулдан кенг фойдаланган.

Қадимги нотиклар антономазиядан нутқни безаш, унинг образлилиги, ифодалилиги ва мажозий маънони кучайтириш учун фойдаланганлар. Тўғри исмлар ўрнига умумий исмлардан фойдаланиш ҳам битта исмнинг такрорланишига йўл қўймаслик, номланиши мумкин бўлмаган ҳақиқий исмлардан қочиш билан боғлиқ. Масалан, *Карфагенни йўқ қилувчиси* таърифида Рим қўмондони Стсипион назарда тутилган исм – *Рим ораторларининг боши* иборасида атоқли файласуф Цицерон назарда тутилган.

Нынче в Милета жилища спускается **отпрыск Пеана,**

Хочет увидеть он там многих болезней врача, Никия.

Мазкур шеърда антономазия сифатида қўлланган ном Пеан бўлиб, у афсоналарга кўра, Арес ва Аидани даволаган машҳур табибнинг исмидир. Скандинавия шоирлари нафақат худолар ва қаҳрамонлар номлари, балки атрофдаги дунёдаги кундалик нарсалар ва ҳодисалар учун ҳам турли хил синонимларни ишлаб чиқдилар. Бундай метафора “кеннинг” деб аталади. Бунга доир мисолни энг машҳур ёдгорликдан – қўлёзмаси милодий 13-асрга оид қадимги Исландиянинг “*To‘ng‘ich Edda*” кўшиқлари тўпламидан келтирамиз:

Then comes the mighty

Son of **Hlodyn:**

(**Odin’s** son goes

with the monster to fight)

Midgard’s Veor in his rage

Will slay the worm

Nine feet will go

Fiorgyn’s son

Ушбу шеърда бир хил белгига ишора қиладиган бир нечта ибораларни кўришимиз мумкин, яъни Скандинавия юртининг бўронлари, чакмоқлар ва ёмғир худоси – Торни.

Антономазиялар асарларда шерларда қўлланганида улар ҳамма вақт бош ҳарф билан ёзилади. Қуйидагилар антономазияга мисол бўла олади:

“Дардли одам” маъноси учун Одиссей номи кўчма маънода;

“Пелидлар” ёки “Пелеуснинг ўғли” маъноси учун Ахиллес номи кўчма маънода;

“Стагирит” ёки “Файласуф” маъноси учун Арасту номи кўчма маънода;

“Македониянинг телбаси” маъноси учун македониялик Александр номи кўчма маънода;

“Темир хоним” маъноси учун Маргарет Тетчер номи кўчма маънода;

“Файласуф” маъноси учун Аристотел номи кўчма маънода;

“Буюк оддий одам” маъноси учун Уинстон Черчилл номи кўчма маънода;

“Поп кироли” маъноси учун Майкл Жексон номи кўчма маънода;

“Озод қилувчи” маъноси учун Авраам Линколин номи кўчма маънода;

“Поп маликаси” ёки “Маданий киз” маъноси учун Мадонна номи кўчма маънода;

“Ертанги одам” маъноси учун Супермен номи кўчма маънода;

“Буюклар буюги” маъноси учун Муҳаммад Али номи кўчма маънода қўлланилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ижодкорлар антономазиялардан асарларида турли мақсадларда фойдаланганлар. Унинг воситаси билан муаллифлар шеърлари матнида бир хилликдан қочишга ҳаракат қилган, асарлари мазмунига ифодалилиқ, таъсирчанлик ва ўзига хосликни бағишлашга уринганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур услуб турли давр ва маданият ёзувчилари орасида жуда машҳур бўлиб, уни қадимий шеърят намуналарида ҳам, замонавий асарларда ҳам учратиш мумкин. Антономазиялар маданиятнинг энг муҳим бирлиги бўлиб, улар ўзида муайян халқнинг ижтимоий дунёқараши ва тафаккури, урф-одатлари, диний ҳамда ахлоқий қарашларини яққол ифодалайди. Шунга кўра, уларни аниқлаш, тизимлаштириш, таснифлаш, воқеланиш жиҳатларини очиб бериш, турли аспектларда ўрганиш, таҳлил этиш лингвистика учун ҳар доим долзарб ва аҳамиятлидир.

Юнусова Барчин (НамДУ тадқиқотчиси)
“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДАГИ ДОБОНБИЙ ВА АЛПИНБИЙ АНТРОПОНИМЛАРИ
ХУСУСИДА

Аннотация. Мақолада ўзбек фольклорининг сара намунаси – “Алпомиш” достонидаги бош тимсоллар Ҳакимбек ва Барчиннинг боболарининг исмлари – Добонбий ва Алпинбий антропонимларининг номинацион-мотивацион, этимологик, лексик-семантик, услубий, функционал хусусиятлари ёритилган.

Аннотация. Статья представляет один из избранных образцов узбекского фольклора – в эпосе «Алпомиш» имена дедов главных символов Хакимбека и Барчина, раскрыты номинационно-мотивационные, этимологические, лексико-семантические, методические, функциональные свойства антропонимов Добонбий и Алпинбий.

Annotation. The article describes the best examples of Uzbek folklore, the main names in the epic Alpomish, the names of nominative-motivative, etymological, lexic-semantic, methodical, functional features of anthroponyms of Dobonbiy and Alpinbiy ancestors of Hakimbek and Barchin.

Калим сўзлар: антропоним, лексик асос, апеллятив, шажара, тарихий-этимологик манба, диалектал вариант, антропонимик маъно, услубий вазифа, функционал вазифа.

Ключевые слова: антропоним, лексическая основа, апеллятивный, генеологическое древо, историческо-этимологический источник, диалектический вариант, антропонимический смысл, методическое задание, функциональное задание.

Keywords: anthroponym, lexical basis, appellation, origin, historical-etymological source, dialectal option, anthroponomic meaning, methodological function, functional task.

Бадий асарлар, жумладан, халқ достонларидаги ҳар бир атоқли махсус ном – ономастик бирлик маълум номинатив, функционал, стилистик вазифа бажаради. Достонлардаги ономастик бирликлар қатори киши исмлари – антропонимлар ҳам маълум маъно-моҳият ва вазифага эга. Бу ўзбек халқи фольклорининг қадимий, сара намунаси бўлган “Алпомиш” достонидаги тимсолларни ифодаловчи антропонимларда ҳам ёрқин кузатилади.

“Алпомиш” достони бош тимсоллар Ҳакимбек ва Барчиннинг шажараси тавсифи билан бошланади: “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи икки ўғил пайдо бўлди: каттақонининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсарни қўйди. Бойбўри билан Бойсарни – иккови катта бўлди. Бойсарни бой эди, Бойбўри эса шой эди, бул иккови ҳам фарзандсиз бўлди”.

Демак, Добонбийдан Алпинбий, ундан Бойбўри ва Бойсарни, Бойбўридан Ҳакимбек ва Қалдирғоч, Бойсаридан Барчин туғилган.

Достон бошланмасида тилга олинган Добонбий, Алпинбий антропонимлари, юзаки қараганда, шунчаки тилга олингандек кўринса-да, катта маъно-моҳиятга эга.

Добонбий ҳозирда қўлланиш хусусиятига кўра, тарихий антропоним. Бу тимсол ҳақида Жаббор Эшонқул асосли фикр билдиради: “Добонбий” сўзи довон, юксаклик маъносида келади. Бу исм шунчаки танланмаган. Ҳаётда катта ишларни амалга оширган, юксак марраларга эришган қаҳрамоннинг рамзий тимсолий образидир. Достонда бу образ чизгилари гўё мукамал эмасдек, достон бошламасида эсланиб, кейин унутилиб кетадиган исмдек туюлади. Бироқ, бу образга кейинги жумлалар, кейинги воқеалар ойдинлик киритади. Алпинбийдек Алпнинг дунёга келиши ўз-ўзидан бўлмаган. Унга Добонбий чеккан заҳмат, эришган донишмандлик сабаб бўлган”.¹

“Алпомиш” достонида миллатнинг бўлиниши, парокандалиги Бойсарининг қалмоқ элига кўчиши орқали ифодаланади. Зеро, туркий халқлар тарихнинг маълум бир даврларида улкан салтанат, ҳокимият ва чексиз ҳукмронликка эга бўлган. Ўзаро бўлинишлар, урушлар ва бошқа сабаблар туфайли бу буюк салтанатга путур етган. Сўнгра халқни, миллатни бирлаштира олган Алпомишга ўхшаш янги авлод – Алплар туғилиб, туркий халқларнинг тарих саҳнасидаги олдинги юксак мавқеи яна қўлга киритилган. Худди шу воқеаларнинг бадий ифодаси “Алпомиш”нинг асл моҳиятини ташкил этади.

¹ Фольклор – миллатнинг боқий тарихи. Фольклошунос Жаббор Эшонқул билан мулоқот. Сухбатдош Гулноз Мўминова. “Ёшлик”, 2014, 8-сон.

Эътибор қилсак, “Алпомиш”да Алпинбийдан қолган, кўлда занг босиб ётган камонни фақат Ҳақимбек ота олади. Алплик камонининг кўлда занг босиб ётиши ундан олдинги авлод ўз вазифасини охиригача бажара олмаганидан далолат беради. Бундай вазифани янги авлод – Алпларгина охирига етказди. Демак, бош тимсол Ҳақимбек – Алпомишнинг шажараси бежизга *Добонбий, Алтинбий, Бойбўри, Алпомиш* тарзида берилмаган.

Б.Дўстқораев фикрича, Добонбий *дев* ва *мон* ўзакларидан таркиб топган. *Улкан дев* дегани. *Дев* ўзаги товуш ўзгаришига учраб *доб* тарзида келган, *моннинг м* товуши талаффузда тушиб қолдирилган.¹ Бу фикрга қўшилиш қийин.

Э.Бегматов *Довон, Довонбой* антропонимларини тарихий-этимологик манбасига кўра, ўзбекча исмлар сирасига киритади ва “*довондан ошсин, яъни ўлмасин ёки доводда тузилган бола*” деб изоҳ беради.²

Довон сўзи ўзбек тилида *тоғ ва тепаликнинг баланд, аммо ошиб ўтса бўладиган қулай жойи; ошув ва кўчма кейинги иш ва ютуқларга йўл очиб берадиган улкан иш; эришилган ва эриши-лажасқ қийин марра, хаёлий, руҳий марра, мақсад, интилиш* маъноларини англатади.³ Бизнингча, *Добонбий* антропонимида *довон* апеллятивининг ана шу кўчма маъноси луғавий асос бўлган. Исм *кейинги иш ва ютуқларга йўл очиб берадиган улкан киши, шахс* деган антропонимик маънога эга. *Добонбийдан* Алпинбийни, ундан Бойбўрини, ундан эса мард, пахлавон, юртпарвар Ҳақимбекнинг туғилиши, у бобосидан қолган ёйни қўлга олиши каби воқеалар ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Тарихий асарлар ва ўзбек шеваларида сўз *добон* вариантида ҳам қўлланади: *Тонгласига қор ва чопқун турди. Эрта кўчуб ўшул дастур била қор тепиб, йўл ясаб добон устуга чиқтук* (“Бобурнома”. 147-бет). Демак, антропоним таркибида *довон* сўзининг диалектал *добон* варианты қўлланган.

Довонбий антропоними дoston вариантларида *Добон, Довонбий ҳожи* шаклларида қўлланган: *Ўн олти уруғ Бойсин-Кўнгирот элига, Илгарида пайдо бўлди Довонбий, Довонбийдан пайдо бўлган Алтинбий.*

*Бошга кийган нўтадан,
Қарз сўраманг чўтадан,
Мен билмадим, ёронлар,
Добон қайси отадан.*

Бурунги ўтган замонда, элу юрти омонда, ўн олти уруғ Кўнгирот, кенг кучоқли орқа юртда 19 бийлар оға-ини, ака-укалар мамлакатнинг шоҳи бўлиб, улар сафида Довонбий ҳожи, унинг наслларидан, Арконбий, Урконбий, Тўгонбий, Қувонбий, Бобонбий, Алтинбий, Бобонбийдан Қўлтой Қирон, Алтинбийдан Бойбўри ва Бойсари исмли ўғиллар дунёга келди.

Таҳлиллардан англашиладики, Ҳақимбекнинг туғилишидан олдин ота-онасининг фарзандсизлиги, аслида, рамзий маънога эга бўлиб, гап бу ўринда салтанатни мустаҳкамлайдиган, пароканда элни яна бирлаштирадиган янги авлод – алп ўғлоннинг туғилиши ҳақидадир.

Б.Дўстқораев фикрича, «Алпомиш» гўё ўзбекларнинг неча минг йиллик ҳаётининг, турмуш тарзининг мухтасар бир қомусидек туюлади. Буни қарангки, дostonдаги персонажларнинг исмлари соф туркий бўлгани баробар, аждодларимизнинг исм қўйиш тамойилини ҳам кўргандек бўламан. Ўғил болаларга катта ният билан улуғ, улкан нарса ёки кучли мавжудотларнинг отлари қўйилган ёхуд ёш жониворларни англатувчи исмларни танлашган. Негаки, ҳар қандай жонзотнинг кичиги «ширин», ёкимли кўринади. Дostonда *Олтинбий, Добонбий, Бойбўри, Бойсари* деган туркий номлар учрайди.

Олпинбий, асли, *баҳодир, полвон* деган маънони англатувчи *алп* ва катта маъносини берувчи қўшимча *мондан* ташкил топган, *Алпмон* сўзига қўшилган “*бий*” эса туркий қавмларда “*қози*” ёхуд “*оқсоқол*” маъноларини билдирган.⁴

Бизнингча, *Алтинбий, Алпомиш* антропонимларига *алп* сўзи луғавий асос бўлган.

Ўзбек исмлари тизимида *алп* луғавий бирлиги асосида шаклланган *довюрақ, жасур, ботир* маъносидаги *Алп* антропоними ҳам кузатилади.¹

¹ Дўстқораев Б. Алпомиш матнининг жилолари. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2011, 1-сон.

² Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998, 115-бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 1-ж, 633-бет.

⁴ Дўстқораев Б. Алпомиш матнининг жилолари. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2011, 1-сон.

MUNDARIJA

MATEMATIKA

Жураев Турсунбай Файзиевич. О различных типах однородности и топологических пространств....	3
Азаматов Азизбек, Бабажонов Алишер, Ражабов Хурсанд. О периодической цепочке тоды со свободным членом.....	14
Курбанов Ергаш Куролович, Абдухаликова Манзура, Файзуллаев Шерзод Усар ўгли. Декартова интерпритация задач на построение.....	20

FIZIKA

Муминов Рамзулло Абдуллаевич, Саймбетов Ахмет Кувачбекович, Тошмуродов Ёркин Кахраманович, Эргашев Гиёс Жураевич, Явкочлиев Махмуджон Отамуродович. Катта ўлчамли монокристал кремний асосида икки координат-сезувчанли детекторлар ишлаб чиқариш технологияси.....	23
Karshiev Sharif Sherkulovich. Қуёш коллекторларини ўзини-ўзи дренаж қиладиган ва турли хил ша-роитларда мавсумий синаб қўриш энергия тежамкор инновацион яратилган лаборатория стен-ди.....	25
Madaliyev Akmaljon Maxammadjonovich. Zarralar fizikasidan amaliy mashg'ulotlarda fundamental o'z-aro ta'sir turlariga doir masalalar yechish.....	28

TARIX

Каримов Сарварбек Отабаевич. Ўрта Осиё минтақасида антропоген ландшафт таъсирида вужудга келган табиий-иқтисодий массивларнинг географик хусусиятлари.....	31
--	----

FALSAFA

Юсупов Шерматилла. Маънавий соғломлаштиришда ижтимоий ҳамкорлик.....	34
Хамроев Санжар Самиевич. Сиёсий глобаллашувнинг шаклланиш негизлари.....	39
G'apparov Elyorjon Otabekovich. Ijtimoiy innovatsiyalarning turlari va xususiyatlari.....	42
Ходжаев Сардор Боходирович. Инновация: илмий талқинлари ва моҳияти.....	44
Рахматова Мехриноз Мажитовна. Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришнинг концептуал асос-лари.....	47
Эронов Самарбек Қурбонназарович. Маданият фалсафасида “Ишонч” ва “Ишончсизлик” ҳодисала-рининг ўзига хос талқини.....	50
Джуракулов Хусан Анварович. Ёшларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини шаклланти-риш масалалари.....	54
Bobomurod Normatovich Boboyorov. Philosophical Analysis of Approaches of Interethnic Relations.....	56

TILSHUNOSLIK

Асадов Рустам Мўминович, Исломова Шохида. Изоҳловчининг синтактик парадигматикадаги ўрни хусусида айрим мулоҳазалар.....	62
Батирханова Мадина Ойбековна. Соматик фразеологик бирликларни лингвомаданий аспектда тад-қиқ этиш масалалари.....	64
Eshonqulova Gulrux To'raqulovna. Tilning sotsiolingvistik tabiati.....	68
Chi Daojia. The Contrastive Analysis of Chinese Prepositions and Corresponding Uzbek Auxiliaries/Af- fixes.....	71

ADABIYOTSHUNOSLIK

Эгамбердиева Нафиса Мустафаевна. Алишер Навоий асарларида гўзалликнинг бадиий-фалсафий талқини.....	80
Шукурова Зилола Юсуфовна. «Қисаси Рабғузий»нинг нодир қўлёзмаси тадқиқи ва таҳлили.....	83
Ходжиева Гавҳар Рамазоновна. Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” шеърини драматик эрк ва озодлик ғояларининг бадиий ифодаланиши.....	85
Маматкулов Музаффар Раҳмонкулович. Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонида ирсол ул-масал санъати.....	90

Атаниязова Муборак Абдуллаевна. Ўзбек адабиёти босқичлари ва Олим Шарафиддиновнинг адабий-танқидий қарашлари.....	94
Файзиева Феруза Исмаиловна. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида илмий-адабий муҳит.....	98

PEDAGOGIKA

Юсупов Азат Атаханович. Давлат тили таълимида замонавий ўқув топшириқлари.....	102
Жуманазаров Умид Умрзоқович. “Таълимни рақамлаштириш муҳити”га ўтишнинг долзарблиги ва зарурияти.....	105
Ходжаниязов Сардор Умарович. Паҳлавон Маҳмуд ижодида ахлоқий-маънавий тарбия масалалари.....	108
Mamatqulova Nilufar Fayzullaqulovna. Xorijiy tilni o‘qitishda til kompetensiyalarining asosiy xususiyatlari.....	112
Қурбонова Дилноза Арслановна. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари.....	115
Abdirasulov Lochinbek Xusniddinovich. Abu Muin Nasafiy qarashlarining ilm-fan taraqqiyotida tutgan o‘rni.....	117
Qosimjonov Ro‘zali Vohidovich. Fanlararo bog‘lanishning ayrim masalalari.....	120
Мусурманкулова Мадина Носировна. Реализация педагогических условий развития и совершенствования сопоставительно-диалектологической компетенции будущих учителей посредством изучения диалектной системы двух народов.....	122

ILMIY AXBOROT

Nigora Kadirova. Lotin tilidan o‘zlashgan qishloq xo‘jaligiga oid so‘zlarning tarixiy-etimologik tavsifi.....	126
Исакова Юлдуз. Эмоционалликнинг аффиксация усули билан ифодаланиши.....	129
Жамолитдинова Дилноза Мирҳожидиновна. Бадиий матнда терминлар лингвокультуреда сифатида.....	132
Муҳаммадалиева Мадина. Ўзбек тили касб-хунар номлари семантик микромайдонининг лисоний тавсифи.....	134
Қурбонова Гулсара Содиковна. Француз тилидаги антропоним компонентли фразеологизмлар этимологияси.....	137
Gulyamova Ozodaxon Shavkatovna. Ingliz tilidan rus va o‘zbek tillariga tarjimaning ba‘zi leksik xususiyatlari.....	141
Каримова Мадина Сайдулла қизи. Ўзбеклар мулоқотида хушмуомалалик – мулозамат феномени.....	144
Расулмухамедова Дилфуза. Бадиий адабиёт ва унда тарбиянинг ўрни.....	147
Ачилова Рисолат Аъзамовна. Ғарб адабиётидаги айрим антономазияларнинг семантик хусусиятлари.....	149
Юнусова Барчин. “Алпомиш” достонидаги добонбий ва алпинбий антропонимлари хусусида.....	152
Норов Отажон. Абдулла Орипов лирикасида мавзу ва ғоя бирлиги.....	154
Nurjanov Oybek Erkin o‘g‘li. Xalqning turmush tarzini ifodalashda etnografizmlarning o‘ziga xos xususiyatlari.....	158
Тўйчиев Абдунаби Худойбердиевич. Бадиий тўқима ва ҳаётий факт.....	160
Бобожонова Назокат. Ўзбек адабиётида Юсуф Алайхиссалом қиссасининг ижодий талқинлари ва унинг ўрганилиши.....	163
Исраилов Аббосбек Адилжанович. Ўзбекистонда бошқарув тизимидаги ислохотлар: натижалар ва истиқболлар.....	168
Қурбонова Моҳигул Шониёзовна. Мусиқани бадиий ҳис этиш орқали болаларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг ўзига хослиги.....	172
Махаммадиев Акмал Ахтамович. Жисмоний тарбия ва спортда “Допинг” муаммоси ва унга қарши курашиш йўллари.....	175
Tursunov Shavkat Serabovich. Maydalash mashinalarining samaradorligini baholash kriteriyalarining tahlilini o‘rganish.....	179

Аслонов Норкул Раббонаевич. Обоснование рациональных значений основных параметров отвала бульдозера для разравнивания твердых бытовых отходов.....	182
Ибатова Амира Шавкатовна. Анализ объема понятия предикации лексемы «Хлеб».....	186
Югай Евгении Викторовны. Генезис представлений о цифровой культуре и духовной сфере жизни общества в истории социально-философской мысли.....	188
Тоирова Дилфуза Файзуллаевна. Специфика художественной типизации персонажей Бальзака...	192
Raxmonberdiyeva Feruza Abduhoshim qizi. Comparative Analysis of Compounds Describing Human Character in English and Uzbek Languages.....	194

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**

Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**

Musahhihlar: **Tamara Turumova,**

Aybek Kalandarov

Ushbu songa mas’ul **Sardor Xodjaniyozov**

Terishga berildi: 17.02.2021

Bosishga ruxsat etildi: 27.02.2021.

Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.

Rizograf bosma usuli. Tayms garniturası.

Adadi 150. Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma №. 5

Hisob-nashriyot tabag‘i 25

Shartli bosma tabag‘i 23

UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi
Tasdiqnoma (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon/faks: (0362)-224-66-01;

e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz

ilmsarchashmalari@mail.ru

Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz

Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>